

Исломий ечим



08:10 / 28.04.2019 4187

Америкада икки аёл бир вақтнинг ўзида фарзанд кўришибди. Бири ўғил, бири қиз туғибди. Ҳамшираларнинг хатоси сабаб ким ўғил, ким қиз туққанини адаштириб қўйибди. Шунда ДНК текширувини ўтказибди. Натижалар бир-бирига шу даражада яқин бўлганидан муаммони ҳал қила олишмабди. Ҳамма ҳайратда эмиш. Икки аёл ҳам ўғил туққанини даво қилиб, аёқ тираб олишибди. Шунда шифокорлар ўзларидан ҳам юқорироқ тажрибага эга масъулларга хабар етказибди. Масъуллар эса: «Бу муаммога мусулмонлардан бошқа ҳеч ечим топа олмайди», дейибди.

Шундан сўнг Саудия Арабистони мамлакатадаги дин олимларидан бирига қўнғироқ қилишибди. Сухбат мана шу тарзда кечибди... Америкалик масъул:

- Динингизда ҳар бир муаммога ечим борлигига даво қиласизлар-а?

Олим:

- Ҳудди шундай.

Шунда америкалик бўлган воқеани айтиб берибди.

Олим эса шундай жавоб қилибди:

- Бунинг ечими жуда оддий. Ҳар бир аёлни сутидан бир неча томчи олиб, уни текширинглар. Қайси бирининг сути озуқавий моддаларга бой, тўйимли бўлса, ўғил ана ўша аёлники. Қайси бирида озуқавий моддалар оз бўлса, ўша қиз туққан бўлади.

Шифокорлар икки аёлнинг ҳам сутларидан намуналар олишибди. Уни диққат ва синчковлик билан текширишибди. Натижа маълум бўлибди. Ким ўғил, ким қиз туққани аён бўлибди. Шифокорлар бу ишдан ҳайратга тушибдилар. Ва олимдан:

- Сиз ўғил туққан аёлнинг сути, қиз туққанникига қараганда озуқавий моддаларга бой эканлигини қаердан биласиз? - деб сўрашибди.

Олим эса:

- Буни Қурондаги оят исботлаб турибди. Аллоҳ шундай дейди: **«...бир ўғилга икки қиз улушичадир...»** (Нисо сураси, 11-оят), - деб жавоб қилибди.

Анвар Абдуллоҳ тайёрлади